


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 12 январь, № 7 (6965) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Шавкат Мирзиёевнинг қатъий иродаси туфайли минтақа давлатлари раҳбарлари ўртасидаги алоқалар жадаллашди

*2017 йилда Ўзбекистон ривожланишининг энг муҳим якунлари нималардан иборат? "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирлари қатор хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги дипломатик миссиялари раҳбарларига ана шундай савол билан мурожаат қилди. Бунга жавобан дипломатлар қуйидаги фикрларни билдирди.*

**ЭЪТИРОФ**

**Владимир Тюрденев,**
**Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтган давр мобайнида жамият ҳаётининг барча соҳасини ислоҳ этиш бўйича жиддий ишлар амалга оширилди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилингани Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Бу ҳужжатда мамлакатни янада равнақ топтириш йўллари аниқ-равшан белгиланган бўлиб, унда барча йўналишда ҳаётга ижобий ўзгаришларни татбиқ этиш кўзда тутилган. Ўтган йил сентябрь ойида республикада валютани эркин айирбошлаш жорий қилинганини бунинг яққол мисоли сифатида қайд этиш мумкин. Эркин конвертация чет эл, шу жумладан, Россия капиталини таваккалчиликлардан сезиларли даражада ҳимоя қилгани баробарида, Ўзбекистондаги сармоявий муҳитни яхшилашга ҳам кўмаклашади.

Ишончим комилки, 2018 йил мамлакатда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилингани мамлакат раҳбариятининг миллий иқтисодиёт салоҳиятини тўла очиш, ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган мажмуавий ислоҳотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш йўли қатъий эканлигидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

## Фуқаролар юксак сиёсий ва ижтимоий фаоллик намойиш этмоқда

*2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси нафақат ижтимоий тармоқларда, айни пайтда турли мулоқот майдонларида парламент аъзолари, ҳуқуқшунослар, ёшлар, экспертлар ҳамда хорижлик мутахассислар иштирокида фаол олиб борилаяпти.*

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

**ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ**

Эслатиб ўтамиз, дастур лойиҳаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган ғоя ва таклифлар ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланди.

"Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан ташкил этилган брифингда Давлат дастурининг биринчи — давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари тақдимоти ўтказилди. Статистика шуни кўрсатаяптики, давлат дастури лойиҳаси муҳокамасида фуқаролардан келиб тушган таклифлар 1500 дан ошиб кетди.

Фикр-мулоҳазаларнинг ярмидан кўпи айнан биринчи йўналишга тааллуқли эканлиги диққатга сазовор. Бу ҳам аҳолининг сиёсий ҳамда ҳуқуқий онги юксалиб, жамиятдаги янгиланишларнинг фаол иштирокчисига айланаётганидан далолатдир.

Жорий йилда давлат бошқарувида қандай ўзгаришлар юз беради? Аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматлари самарадорлиги нечоғли ошади? Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари М. Истамовнинг қайд этишича, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясига мувофиқ, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги иштирокини қисқартириш, айрим функцияларини хусусий секторга бериш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Масалан, автомобилларни техник кўрикдан ўтказиш билан туман йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари эмас, балки хусусий корхоналар шуғулланади. Бундан ташқари, 2018 йилда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари кенгайтирилади. Жумладан, назорат ваколатига эга ижро этувчи ҳокимият органларини ("Ўздавнефтгазинспекция", "Ўздавэнергоназорат" ва бошқалар) уларнинг назорати остидаги хўжалик бошқарув органлари ("Ўзбекнефтгаз" АЖ, "Ўзбекэнерго" АЖ ва бошқалар) ҳисобидан молиялаштириш тартиби бекор қилиниб, уларни тўғридан-тўғри Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилаяпти.

Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Давлат хизматлари агентлиги фуқаролар ҳамда давлат органлари ўртасида мулоқот ўрнатиш, уларнинг мурожаатлари тез ва самарали кўриб чиқилиши учун қулай шарт-шароит яратади. Ҳозирги кунда ушбу жараёнга инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича фаол иш олиб борилаяпти. Мисол учун, биринчи чоракда давлат хизматлари марказлари инфокиосклар билан таъминланади, уларда электрон навбат тизими ҳамда масофадан туриб видеокузатув тизими татбиқ этилади.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Президенти номидан Афғонистон халқига 25 та автобус, 3 та трактор ва тиркама техникалар топширилди

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили И. Иргашев бошчилигидаги делегация Афғонистон Ислом Республикасининг Ҳайратон шаҳрига ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан афғон халқига 25 та автобус, учта трактор ва тиркама техникаларни ҳадя қилишга бағишланган тадбирда иштирок этди.*

**ТАШҚИ СИЁСАТ**

Ушбу маросимда Афғонистон томонидан мамлакат Президенти маъмуриятининг молия бошқармаси бошлиғи Аҳмад Вафо Амин, транспорт вазири Муҳаммад Ҳамид Таҳмосий, таълим вазири ўринбосари Аҳмадсейр Маҳжур, Балх провинцияси губернатори ўринбосари Муҳаммад Башир Тавҳидий, шунингдек, Афғонистоннинг Шимолий ҳудудидаги давлат ва ишбилармон доиралар вакиллари қатнашди.

Афғонистон бўйича махсус вакилимиз ўз чиқишида икки мамлакат халқлари ўртасидаги анъанавий дўстликнинг тарихий илдизлари ҳақида сўз юритиб, Ўзбекистон раҳбарияти барча соҳада қардош Афғонистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон томони Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик тезроқ таъминланишидан манфаатдор. Шундан келиб чиқиб, расмий Тошкент қўшни мамлакатга иқтисодий ҳамда транспорт инфратузилмасини тиклашга кўмаклашиш ишларини бундан кейин ҳам давом эттиради.

Сўнгги пайтларда ўзбек-афғон ҳамкорлиги жараёнида ижобий ўсиш кузатилаётир. Бунда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанининг 2017 йил 4 — 6 декабрь кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифи тарихий аҳамиятга эга бўлиб, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очди. Ташриф якунига кўра, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик бўйича 20 та ҳужжат имзоланди.

Ана шу ҳужжатлар Ўзбекистон ҳамда Афғонистон, умуман, бутун минтақа учун ҳам стратегик аҳамиятга эга. Бу ерда гап Ўзбекистон мутахассислари томонидан амалга оширилаётган Сурхон — Пули Хумри электр узатиш линияси ва Мозори Шариф — Ҳирот темир йўли ҳақида бораяпти. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш нафақат Шимолий ҳудудларни, балки бутун Афғонистоннинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантиради.

Маълум қилинганидек, Ўзбекистон Афғонистон раҳбарияти ҳамда Ҳукуматига ва дўст давлат халқига беғараз ёрдам кўрсатиш саъй-ҳаракатларини давом эттиради. Бунинг яққол мисоли сифатида Сурхондарё вилоятида махсус Намунавий таълим маркази ташкил қилинганини айтиш ўринлидир. Жорий йилнинг 20 январида бу масканга Афғонистондан тахминан 100 нафар талабалар келиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан совға сифатида тақдим этилган автобуслар, тракторлар ҳамда бошқа техника воситаларини қабул қилишга бағишланган тадбирда Афғонистоннинг Шимолий провинциялари раҳбарияти ва кенг жамоатчилик вакиллари бундай юксак эътибор ҳамда ташаббус учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Қисқача айтганда, Ўзбекистоннинг Афғонистонни иқтисодий қайта тиклашга қўшган ҳиссаси афғон халқининг ҳаётини яхшилашга ва уларнинг тинч-тотув яшашига туртки беради.

Якунда сўзга чиққан Афғонистон расмий вакиллари барча соҳада ўзбек — афғон алоқаларини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган ҳамкорликдан мамнун эканликларини қайд этди. Уларнинг фикрича, икки томонлама муносабатлар жараёнида бу ижобий ўсиш, биринчи навбатда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий иродаси орқали амалга оширилаяпти. Пировардида Афғонистонда иқтисодий инфратузилмани тиклашда амалий ёрдам кўрсатилаяпти.

Афғонистон Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий муносабатларни янада фаоллаштириш, инфратузилмага оид турли йирик лойиҳаларни рўёбга чиқариш ва минтақадаги интеграцион жараёнларда қатнашишда ёрдам бериш орқали Афғонистонда тинчлик ҳамда барқарорлик ўрнатишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди.

(Давоми 2-бетда).

**14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**

## Чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактаби



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

*Мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сизу бизнинг бугунгидек хотиржам ҳаётимиз Қуролли Кучларимиз фаолияти, унинг мунтазам ривожланиб боришига бевосита боғлиқ. Мазкур шарафли вазифани сидқидилдан адо этаётган мард ва жасур ҳарбийларимиз ҳар қанча эъзозга, эътиборга лойиқдир. Бу ҳақда газетамизнинг 4-бетида эълон қилинаётган махсус саҳифа орқали батафсил танишасиз!*

**НУҚТАИ НАЗАР**

*Давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига оид видеорепортаж, бизнингча, камида икки марта кўрилиши керак. Биринчисида сессияда илгари сурилган вазифалар яққол англаб олинса, иккинчисини ўша мажлисни ҳис қилиш, иштиёқ билан янги марралар сари интилиш учун кўриш лозим. Айнан шу кайфиятда, яъни безовта бўлиб, куйиниб, янги-янги ғоялар билан кечаю кундуз тиним билмасдан ишлаш талаб этилади. Бинобарин, бу борада Президентнинг ўзи барчамизга намуна бўлмоқда.*

## Одамлар қалбида умид уйғонди

### Ҳақиқий ҳаётнинг бўёқсиз кўриниши

Ўзбекистон раҳбарининг бутун борлиғи билан ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлаётгани ҳақли эътироф этилмоқда. Россия интернет нашри ўз таҳлилий материалида Шавкат Мирзиёевни умид уйғотган Президент, деб атади. Айни ҳақиқат. Бу ҳаётий ҳақиқат Тошкент вилоятига ташриф мисолида яна бир карра тасдиғини топди.

Президент бошқа сафарлардаги каби халқнинг ичига кириб борди. Иқтисодий муҳим аҳамиятга молик иншоотлар билан танишиб, маҳалла аҳли билан учрашди, профилактика инспектори оиласида меҳмон бўлди, туман касалхонаси беморлари ҳолидан хабар олди. Кўз ўнгимизда оддий одамлар ҳаёти, кундалик турмуши қандай бўлса, шундайлигича, ортиқча бўёқларсиз гавдаланди.

Атрофдагиларнинг муаммоларини тинглаб, уларга ғамхўрлик қилиш, масъулиятни ўз зиммасига олиш осонми? Албатта, йўқ. Модомики, гап икки, уч, боринг ана, беш киши ҳақида бораяпти. Агар уларнинг сони 32 миллиондан ортиқни ташкил қилса-чи? Бу саволнинг жавоби кундай равшан.

Шунга қарамай, давлатимиз раҳбари узоқ йиллар уйсиз бўлган одамлар, шифохонада совқотмаслик учун чопонга ўраниб ётган беморлар билан шахсан ўзи мулоқот қилаяпти. Уларнинг муаммоларини ҳал қилиб, зарур дорилар, уй-жой билан таъминлаш бўйича аниқ кўрсатмалар бермоқда, беморларнинг даволанишини шахсан назоратига олаяпти.

Айни пайтда умумдавлат ва халқаро аҳамиятга эга вазифаларни адо этишга ҳам улгурмоқда. Бу Президент кун тартибида бўш вақт борлигидан эмас, балки катта-кичик амалдорларни ишлатиш, ҳаракатга келтириш зарурлигидан бўлаётир. Кабинетда креслосига хўжайинлик қилаётган раҳбарларни одамлар ичига кириб боришга ундаяпти. Бу давлат раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида қайд этилган халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича яратилган янги тизимнинг асл моҳиятини ташкил қилади.

### Юксак эътироф — муносиб баҳо

Навбатдаги мавзу давлатимиз раҳбарининг пойтахт вилоятидаги сўзлаган нутқига бевосита боғлиқ, назаримизда.

Яқинда АҚШ Президенти Дональд Трампнинг Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевга қўнғироқ қилгани жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборида бўлди. Ўз-ўзидан аёнки, Америка Қўшма Штатлари раҳбари, унинг тимсолида дунёдаги энг етакчи мамлакат сиёсий истеблишменти шунчаки сим қоқиб, бирор нарсани муҳокама қилмайди. Умумий манфаатдорлик, ҳамкорлик учун устувор йўналишлар бўлсагина, бундай воқеа юз бериши мумкин. Ўзбекистон ва АҚШ нафақат икки томонлама, айни пайтда Афғонистон масаласида ҳам умумий ёндашувларга эга.

(Давоми 2-бетда).

## Давлат дастурларини молиялаштиришда янгича механизм

*Юрт тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида давлат томонидан ажратиладиган ҳар бир сўм ёки хорижий инвестиция аниқ мақсад йўлида сарфлансагина кутилган натижани беради.*

**СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ**

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, мамлакатимизда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш мақсадида иқтисодиётни жадал ривожлантириш, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этганидек, мамлакатимизда мавжуд ресурслардан нооқилона фойдаланиш, Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва рентабеллиги юзаки ўрганилгани, молиявий манбаларнинг ноаниқлиги, лойиҳалар танлашда шаффофликнинг йўқлиги, молиявий маблағларни самарасиз сарфлаш ҳолатлари билан боғлиқ қатор камчиликлар юртимиз иқтисодиёти ривожига салбий таъсир кўрсатаётган эди.

Ушбу ҳолатлар инвестиция дастурларини шакллантириш тартиби, уни молиялаштириш механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш, бундай нохуш амалиётга барҳам бериш ҳамда инвестицияларни иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилиш, лойиҳаларни шакллантиришнинг бутунлай янги механизмини жорий этиш заруратини келтириб чиқарди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ташкил қилингани, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, ҳукуматимиз ҳузурида Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси тузилгани дастлабки қадам сифатида диққатга моликдир.

Айниқса, Президентимизнинг 2017 йил 18 декабрда имзолаган "Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида"ги қарори юқорида таъкидланган салбий оқибатларнинг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ушбу қарорга асосан, марказлаштирилган манбалар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, шунингдек, ҳудудлар ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари асосида амалга ошириш тартиби белгиланди. Бундан ташқари, ривожланиш давлат дастурларига киритилган, молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари белгиланган лойиҳаларни молиялаштириш фақат Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил қилинган Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси орқали амалга ошириладиган бўлди.

(Давоми 2-бетда).

